ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

ҚАРОРИ

2020 йил «19» декабрь 81-17/06 -сонли Қарши шаҳри

Вилоятда “2021-2023 йилларга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш дастури”га киритилаётган лойиҳалар ҳамда ичимлик суви ва канализация хизматлари тарифларини тасдиқлаш тўғрисида

Вилоят аҳолисига “Шаҳрисабз-Қарши сув ишлаб чиқариш” ва “Таллимаржон-Муборак сув узатиш иншоот”лари ҳамда 8 та туманлардаги алоҳида ер ости сув иншоотлари орқали ичимлик сув етказиб берилмоқда. Мавжуд иншоотларнинг лойиҳавий қуввати суткасига 250 минг метр кубни ташкил қилсада, амалда суткасига 218,5 минг метр куб ёки 87,4 фоиз қувват билан ишламоқда. Мавжуд 292 та сув иншоотларидан 70 таси ёки 26 фоизи ҳамда 6831 км. ичимлик сув қувурлари ва тармоқларидан 4087 км. ёки 62 фоизи таъмирталаб аҳволга келиб қолган.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳамда Муборак туман марказида канализация хизмати мавжуд бўлиб, улардаги тозалаш иншоотларининг умумий қуввати 47,0 минг м3/суткани ташкил этиб, таъминланиш даражаси 6 фоизни ташкил этади. 3 та оқова сув тозалаш иншоотларининг 350,4 км. оқова сув қувурларининг 245 км. ёки 70 фоизи таъмирталаб ҳолатга келиб қолганлиги сабабли уларни капитал ва жорий таъмирлаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 8 январдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида Қашқадарё ва Навоий вилоятлари қишлоқ аҳоли пунктларини сув таъминоти ва санитарияси тўғрисида”ги ПҚ-555-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан амалга оширилган сув таъминоти объектлари қурилишининг фоизларини қайтариш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 майдаги “Косон ва Муборак туманлари марказлари ҳамда Китоб-Шаҳрисабз ер ости сув конидан сув олиш қувурига яқин бўлган қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 427-сонли қарорида 42,85 млн. АҚШ доллари Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси ҳисобидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 220-сонли қарорида 60,0 млн. АҚШ долларлик маблағларни босқичма-босқич қайтариш лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, 2017-2020 йилларда қурилган ичимлик суви объектларида кўча жумраклари ўрнатилганлиги, сув сақлаш ва тарқатиш иншоотларига сув ҳисоблагичлар ўрнатилмаганлиги сабабли истеъмолчилар ва сув ншоотларига сув ҳисоблагичларни ўрнатиш учун 12 828,3 млн. сўм маблағ талаб этилмоқда.

Вилоятда "2021-2023 йилларга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш дастури"га киритилаётган лойиҳалар ҳамда ичимлик суви ва канализация хизматлари таърифлари самарадорлигини янада ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 17 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 59-сонли баённда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш, вилоятда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш аҳволини янада яхшилаш мақсадида тегишли соҳалар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси, вилоят Молия бош бошкармаси хулосаларидан келиб чиқиб, билдирилган таклиф, фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1."Қашқадарё сув таъминоти" МЧЖ раҳбари Х.Усмоновнинг "2021-2023 йилларга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш дастури" бўйича киритилаётган лойиҳалар ҳамда ичимлик суви ва канализация хизматлари тарифлари юзасидан тақдимоти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят сув таъминоти ва канализация хизматлари учун таклиф этилаётган нархлар (тарифлар) қиймати иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (У.Бутаев ва А.Эшонқулов) "Қашқадарё сув таъминоти" МЧЖ (Х.Усмонов), вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Ф.Юсупов) ҳамда вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (А.Бердиев), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (Ў.Пардаев) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги 427-сонли "Косон ва Муборак туманлари марказлари ҳамда Китоб-Шаҳрисабз ер ости сув конидан сув олиш қувурига яқин бўлган қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш" ва 2020 йил 14 апрелдаги "Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш" лойиҳасини амалга ошириш ва натижадорлиги ҳамда олдинги йилларда амалга оширилган лойиҳаларнинг маблағларини қайтарилиши бўйича барча ташкилий чораларни кўриш;

лойиҳаларни танлаш, амалга ошириш ва натижадорлигини таъминлашда соҳа билан бирга туман(шаҳар)лар ҳокимлари ҳамда секторлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда жавобгарлигини белгилаб бериш;

туман(шаҳар)лар ҳокимларининг лойиҳаларни сифатли бажарилишига, маблағларнинг камида 30 фоизини иқтисод қилишга ва олинган кредитлар бўйича тўловларнинг қайтимига соҳа раҳбарлари билан бир хилда (баробар) жавоб бериши каби мезонларни назарда тутиш;

лойиҳа таклифларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, шаҳар ёки туманнинг Бош режаси асосида ҳокимлар ва аҳоли билан бамаслаҳат ишлаб чиқиш ҳамда тайёрланган таклифларни вилоят халқ депутатлари Кенгашларида тақдимот қилиб топширилсин.

4. "Қашқадарё сув таъминоти" МЧЖ (Х.Усмонов)га икки ҳафта муддатда ҳар бир туман(шаҳар)лар, секторлар кесимида сув билан таъминланган аҳоли абонентлари, шу жумладан ҳисоблагич ўрнатилган абонентлар сони, ҳудуддаги сув иншоотлари ва қудуқлар сони, сув йўқотиш даражаси, мавжуд дебитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва тасдиқлаган ҳолда ҳудудлардаги ҳокимлар ва сектор раҳбарларига етказиш топширилсин.

5. Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (А.Бердиев), "Қашқадарё сув таъминоти" МЧЖ (Х.Усмонов), уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (А.Темиров) ва вилоят молия бош бошқармаси (Ф.Юсупов), туман(шаҳар)лар секторлари раҳбарлари билан биргаликда икки ой муддатда ичимлик сув таъминоти соҳасида ҳудудларда энергия тежамкор кичик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" (туманлар ва шаҳарлар кесимида режалари аниқ кўрсатилган) "манзилли дастур"ни тайёрласин ва тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритсиш:

- Жорий йил якунига қадар тасдиқланган манзилли дастур асосида кичик қуёш панелларини ишга тушириш чораларини кўрсин. Бунда ушбу лойиҳаларни марказлашган сув ва электр олиб бориш катта ҳаражат талаб қиладиган ҳудудларда амалга оширилиши назарда тутилсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Эшонқулов, "Қашқадарё сувтаъминоти" МЧЖ (Х.Усмонов)га, вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (А.Бердиев) туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда:

жорий йил якунига қадар марказлашган ичимлик сув билан таъминланмаган аҳоли пунктларига ичимлик сувни махсус техникалар ёрдамида етказиб бериш хизматларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этиш чораларини кўриш;

икки ой муддатда ичимлик сув билан таъминланмаган аҳоли пунктларига сув ташиб бериш жадвалини ишлаб чиқиб тасдиқлаш ҳамда ичимлик суви етказиб берадиган махсус техникалар устидан назорат ўрнатиш топширилсин.

7. Мазкур қарор "Қашқадарё" ва "Новости Кашкадарьи" газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг qashqadaryo.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

9. Мазкур карор ижросини назорат килиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси (С.Норқабилов) ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ў.Бутаев) ва вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Эшонкулов) зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси **О.Равшанов**

Халқ депутатлари вилояти Кенгашининг
2020 йил 28 декабрдаги 81-17/04 сонли қарорига
ИЛОВА

“Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ томонидан ичимлик сув таъминоти ва канализация хизматлари учун таклиф этилган нархлар (таърифлар) қиймати

Т/р	Ҳудуд, корхона номи	Амалдаги таъриф ҚҚС сиз (август 2019 йил)			Таклиф этилаётган таъриф ҚҚС сиз			Ўсиш (баробар)		
		Аҳоли учун 1 м3/сўм	Бюджет ташкилот-лари учун 1 м3/сўм	Улгуржи истеъмол-чилар учун 1 м3/сўм	Аҳоли учун 1 м3/сўм	Бюджет ташкилот-лари учун 1 м3/сўм	Улгуржи истеъмол-чилар учун 1 м3/сўм	Аҳоли учун	Бюджет ташкилот-лари учун	Улгуржи истеъмол-чилар учун
Ичимлик сув бўйича										
1.	Қашқадарё вилояти	425	1 600	2 800	1 000	3 800	6 700	2,35	2,37	2,39
Канализация бўйича										
1.	Қашқадарё вилояти	400	800	1 200	950	2 100	4 300	2,37	2,62	3,58